



[TEL:\(67\)364-36-00](tel:(67)364-36-00), [\(67\)364-36-02](tel:(67)364-36-02), E-maili.boyovut@sud.uz

**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Ховос тумани

2023 йил 06 март

4-1203-2301/175-сонли иш

Боёвут туманлараро иқтисодий суди, судья Ў.Йўлдошев раислигида, судья ёрдамчиси Х.Абдурахмоновнинг котиблигида, АААнинг қарздор «ТТТ» фермер хўжалигини тўловга қобилиятсиз содалаштирилган тартибда (банкрот) деб топиш тўғрисидаги аризасини аризачи вакили ССС (3.03.2023 йилдаги №25-13036-сонли ишончнома асосида) иштирокида ўз биносида ўтказилган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

аниқлади:

Аризачи ААА судга ариза билан мурожаат қилиб, Боёвут туманида фаолият юритган «ТТТ» фермер хўжалигининг жами **77 263 769,81** сўм кредиторлик қарзини қарздорлик пайдо бўлгандан бошлаб уч ойдан ортиқ вақт давомида бажармасдан келаётганлиги, қарздор фаолият юритмаётганлиги сабабли тўлов қобилиятини йўқотганлигини баён қилиб, қарздорни содалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз (банкрот) деб топишни сўраган.

Иш хужжатларига кўра, қарздор **солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиб**, ўз фаолиятини тегишли тартибда ташкиллаштира олмаган ва кўзланган даромад олинисига эришилмаган, ҳозирги кунда тўлов қобилиятига эга эмас.

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан иш бўйича **ННН**ни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлаш тавсияси этилган.

Суд муҳокамасида аризачи вакили аризани қувватлаб, қарздорга тегишли ер участкаси хокимлик захирасига қайтариб олинганлиги сабабли фаолият юритмаётганлигини билдириб, қарздорликни ундириш чораси натижа бермаганлиги сабабли аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд муҳокамасида қарздор вакили иштироки таъминланмади, шу сабабли ишни ИПК 170-моддасига асосан унинг иштирокисиз мавжуд хужжатлар асосида кўришни лозим топади.

Суд, қуйидаги асосларга кўра, қарздорни тўлов қобилиятига эга эмас деб ҳисоблаб, содалаштирилган тартибда банкрот деб топиб, тугатишга доир иш юритиш таомилини қўллаб, **ННН**ни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлашни лозим топади.

«ТТТ» фермер хўжалиги солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган ва **ЧЧЧ** раҳбарлик қилган.

Қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича боқиманда қарзларини ундириш юзасидан бир нечта суд ижро хужжатлари мавжуд бўлиб, ушбу суд хужжатларининг ижроси юзасидан олиб борилган ижро ҳаракатлари самарасиз яқунланган.

Солиштирма далолатнома ва илова қилинган ҳужжатлардан кўринишича, қарздорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзи **77 263 769,81** сўми, бошқа кредиторлардан қарзи **0** сўм жами **77 263 769,81** сўми ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасининг 12.04.2022 йилдаги “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига асосан қарздор пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига қарздорнинг ўзи ва кредитор эга, қарздор солиқлар ва йиғимлар бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига қарздорнинг ўзи, давлат солиқ хизмати органлари, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида қарзи бўлган юридик шахсларга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар бўйича ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий бошқармалари эга бўлади.

Қонуннинг 239-моддасига асосан суд тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади, тугатиш бошқарувчисини тайинлайди, тугатилаётган юридик шахсининг тўловга қобилиятсизлигида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув тартиб-таомиллари қўлланилмайди ва кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга нисбатан ўз талабларини тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топиш ҳақидаги эълон чиқарилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддатда тақдим этишга ҳақли.

Қонуннинг 140-моддасига асосан суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиниши тугатишга доир иш юритишнинг бошланишига сабаб бўлади, тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомили муддати ўн икки ойдан ошиши мумкин эмас, зарурат бўлганда бу муддат тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахсининг илтимосномасига кўра ёки суднинг ташаббуси билан уч ойгача узайтирилиши мумкин.

Шунингдек Қонуннинг 52-моддасига асосан тўловга қобилиятсизликка оид тиклаш тартиб-таомилларида бирини жорий этиш, келишув битимини тасдиқлаш ёки тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш учун асослар мавжуд бўлмаганда суднинг қарздор юридик шахсни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ушбу Қонуннинг 5-моддаси **биринчи қисмида** назарда тутилган тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади.

Суд, қарздорнинг фаолият юритмаётганлиги, кредиторлик қарзлари юзага келган кундан бошлаб уч ойдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан бажарилмаётганлиги, тўлов қобилиятини йўқотганлигини инобатга олиб, «ТТТ» фермер хўжалигини банкрот деб топишни ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг тавсиясига асосан НННни тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлашни лозим деб топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 118-моддасига мувофиқ давлат божи ва почта харажатларини қарздор ҳисобидан ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни 5, 7, 52, 140, 239-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118, 176-179, 187, 188, 190-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и:

АААнинг аризаси қаноатлантирилсин.

«ТТТ» фермер хўжалиги соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилсин ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

«ТТТ» фермер хўжалигидан Республика бюджетига 900 000 сўм давлат божи ва ААА фойдасига 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

«ТТТ» фермер хўжалиги банкрот деб эълон қилинган пайтдан бошлаб, тугатишга доир иш юритиш таомили “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунига риоя қилинган ҳолда амалга оширилсин (140-160, 238-289 модда).

Қарздорнинг барча қарз мажбуриятларининг муддати ўтган деб ҳисоблансин, унга янги талабларни тақдим этишга йўл қўйилмасин.

ННН «ТТТ» фермер хўжалигини тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлансин.

«ТТТ» фермер хўжалигини банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги хабарни уч кунлик муддат ичида расмий нашрда эълон қилиш ва маълумотни судга далил сифатида тақдим қилиш, бир ой муддатда сохта банкротлик аломатлари юзасидан хулосани судга тақдим этиш тугатиш бошқарувчиси зиммасига юклатилсин (53-54 модда).

Тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиш натижалари тўғрисида икки ойлик муддатда тугатиш бошқарувчиси томонидан якуний ҳисобот кўриб чиқилиб, Боёвут туманлараро иқтисодий судига тақдим этилсин (140 модда).

Иқтисодий судининг қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиши лозим.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Сирдарё вилоят судига апелляция шикояти (протести) билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Судья

Ў.Йўлдошев